



YOSHLAR OVOZI

ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИНГ ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА МАКТУБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига
Мухтарам Президент жаноблари!

Хитой Халқ Республикаси ташкил топгани-
нинг 69 йиллиги муносабати билан йўллаган
самимий табригингиз учун Сизга чуқур мин-
натдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жорий йил бошидан Хитой ва Ўзбекистон
ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерик-
лик муносабатларида ижобий тенденция
давом этиб, ўзаро сиёсий ишонч муттасил
муштахкамланиб бормоқда. «Бир макон, бир
йўл» ташаббусини биргаликда рўйбга чиқа-
ришда янги муваффақиятларга эришилди,
халқларимиз ўртасидаги ўзаро англашув ва
дўстлик изчил муштахкамланмоқда. Сиз бил-
ан Циндао шаҳрида ШХТ саммити доира-
сидаги учрашувимизни тез-тез эсламан,
ушбу учрашувдан сўнг икки томонлама му-
носабатларни ривожлантириш бўйича биз

қабул қилган янги режалар босқичма-босқич
ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мен Хитой – Ўзбекистон алоқаларини ри-
вожлантиришга алоҳида эътибор қаратаман,
ўртамизда шакланган амалий муносабатлар
ва шахсий дўстликни юксак қадрлайман. Хи-
той ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама
стратегик шериклик муносабатларини мам-
лакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги
йўлида изчил ривожлантиришни рағбатлан-
тириш мақсадида бундан буён ҳам Сиз билан
яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга умид
қиламан.

Сизга муштахкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзе-
бекистон халқи фаровонлиги йўлидаги олижа-
ноб фаолиятингизда улкан муваффақиятлар
тилайман.

Си ЦЗИНЬПИН,
Хитой Халқ Республикаси Раиси



МУЗАФФАР СПОРТЧИЛАР
МУНОСИБ КУТИБ ОЛИНДИ

Жорий йилнинг 6–18 октябрь кунлари
Аргентина пойтахти Буэнос-Айрес шаҳри-
да ўтказилган III ёзи ўсмирлар Олимпия
ўйинларида Ўзбекистон делегацияси аъзо-
лари 5 олтин, 4 кумуш ва 7 бронза медал-
лари кўлга киритди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқа-
ро аэропортида музаффар спортчилари-
мизни давлат ва жамоат ташкилотлари ва-
киллари, спортчилар, олимпиадачиларнинг
ота-оналари, журналистлар тантанали ку-
тиб олди.

III ёзи ўсмирлар Олимпия ўйинларида
ёш спортчиларимиз жаҳоннинг 206 дав-
латидан йилгилан 4 мингга яқин тенгдош-
ларига қарши муносиб беллашиб, жаҳон
тамаддунига муносиб ҳисса қўшган не-
не улуг зотларнинг муносиб ворислари, Ўзе-
бекистондек буюк юртининг ҳеч қимдан кам
бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган
фарзандлари эканини исботлади.

Кескин ва мурасасиз беллашуларда за-
фар кучган спортчиларимизнинг мардлиги,
жасорати, шижоату матонати дунё ахлини
лол қолдирди, десак муболага бўлмайди.
Зеро, уларнинг бундай юксак муваффақия-
ти мамлакатимиз мустақиллиги, ўсиб кела-
ётган ёш авлодининг ҳар томонлама соғлом
ва баркамол инсонлар бўлиб воқта етишиш
учун яратилган кенг имкониятлар ту-
файлидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев рах-
барлигида спортни, жумладан, болалар
спортини ривожлантириш, ёшларни соғлом
турмуш тарзига жалб этиш, улар ўртасида
жисмоний тарбия ва спортни омаллашти-
риш ва бунинг учун кенг имконият, зарур
шароитларни яратишга доимий эътибор қар-
ратилмоқда.

Бунинг самарасида жисмонан ва маънан
соғлом, жаҳон ареналарида Ватанимиз
шарафини муносиб ҳимоя қилиш, манаман
деган давлат вакиллари билан мусо-
бакалашишга қодир спортчилар тарбия-
ланмоқда.

Бу жиҳатлар Буэнос-Айрес Олимпиада-
сида яна бир қарра ўз исботини топди. Мазкур
нуфузли спорт анжуманида 37 нафар спортчи-
миз спортнинг 16 турида иштирок этди.

— Ўсмирлар Олимпиадасини қатта ҳа-
жон билан кузатиб бордик, — дейди пой-
тахтлик Шаҳзод Саъторов. — Очиғи, ушбу
нуфузли мусобақада юксак муваффақиятга
эришган тенгдошларимиз жуда ҳавасим кел-
ди. Спортчиларимизнинг оламшумул гала-
часи биз, ёшларнинг ўзимизга бўлган ишон-
чимизни янада муштахкамлаб, янги-янги
марралар сари дадил қадам ташлашимизда
кўтаринки руҳ бағишламоқда.

...Мана, орзиқиб қутилган дамлар – Ўзе-
бекистонимиз байроғи тасвири туширилган
улкан ҳаво кемасидан қўлларидан Ватани-

миз байроғини мағрур кўтарган спортчи-
ларимиз чиқиб келмоқда. Карнай-сурнай
садолари ёшларнинг “Ўзбекистон!” деган
такрор ва такрор ҳайқирини улашиб ке-
тади. Қутиб олинган майдончасида ҳажон
билан турган уларнинг ота-оналари, яқин-
лари, тенгдошлари кизгин табрикламоқда.
Қалбларимиздан чексиз гурур ва ифтихор-
га йўрилган самимий дил изҳорларимиз,
эзгу тилақларимиз беихтиёр тилишимиз,
кўзимизга кўчади: “Барақалла, қудратли
юртининг муносиб фарзандлари, галабангиз
бундан ҳам зиёда бўлсин!”

Мазкур Олимпиада ўйинларида дзюдо-
нинг аралаш баҳсларида Жайхунбек Назар-
ов, оғир атлетикада Кумушхон Файзуллаева,
байдарка ва каноэда эшак эшида Гулбахор
Файзиёва, эркин курашда Умиджон Жало-
лов, боксда Абдумалик Халаков олтин ме-
дални қўлга киритди.

— Олимпиадада юқори натижаларни қўлга
киритиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиб
келганимиздан бахтиёрмиз, — дейди бокс
бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони,
III ёзи ўсмирлар Олимпиадаси голиби Абду-
малик Халаков. — Спортни ривожлантириш,
жисмоний тарбия ва спорт билан шуғуллани-
шимиз, халқро майдонларга юксак галаба-
ларга эришишга қодир спортчи бўлиб воқта
етишимизга қаратаётган доимий эътибор ва
гамхўрлиги учун Президентимиздан беҳад
миннатдоримиз.

Шунингдек, таэквондочи Улугбек Раши-
дов, оғир атлетикачи Муҳаммадқодир Тош-
темиров, байдарка ва каноэда эшак эшу-
вчи Ислом Абдусаломов ва аёллар курашида
Шоҳида Аҳмедова делегациямизга кумуш
медални келтирган спорт билан шуғуллани-
шимиз, халқро майдонларга юксак галаба-
ларга эришишга қодир спортчи бўлиб воқта
етишимизга қаратаётган доимий эътибор ва
гамхўрлиги учун Президентимиздан беҳад
миннатдоримиз.

— Спортчиларимиз Ўзбекистонимизнинг
дунё миқёсидаги оғуриси янада очиқлиги
муносиб ҳисса қўшиб, юртимизда куч ва
истеъдод бобида ҳеч қимдан кам бўлмаган
авлод воқта етаётганини жаҳон ахлига на-
моён этди, — дейди Ўзбекистон Респуб-
ликаси жисмоний тарбия ва спорт вазири
Дилмурод Набиев. — Улар бундай нуфузли
мусобақада эришган натижалари мамлака-
тимизда жисмонан ва маънан етуқ, ўзбек
спортининг ёркин келажagini таъминловчи
истеъдодли ўғил-қизлар воқта етаётганидан
далоят беради.

Талбирда Ўзбекистон Республикаси Пре-
зидентининг маслаҳатчиси А.Абдувоҳидов
сўзга чиқди.

Жавохир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

SHU SONGA XAVAR

Алифбومиз ТАКОМИЛЛАШАДИ



Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университетида “Лотин
ёзувиге асосланган ўзбек алифбосини кенг
жорий этиш ва янада такомиллаштириш муам-
молари” мавзусида республика илмий-амалий
анжуман ўтказилди.

Унда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг
ижроси, миллий тил ва ёзувнинг нуфузини
ошириш, лотин ёзувиге асосланган ўзбек

алифбосидаги камчиликлар, китобларни чоп
этишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш
йўллари каби долзарб масалалар муҳокама қи-
линди.

Алифбо ва имло қоидаларига киритиш
таклиф қилинган ўзгаришлар анжуман
иштирокчиларининг баҳо-мунозараларига са-
баб бўлди. Хусусан, амалдаги ш, ч, ў, ғ, нг-
тушуларини ифодалаш билан боғлиқ масалалар
кизгин муҳокама қилинди.

Яқунда лотин ёзувиге асосланган ўзбек
алифбосини кенг жорий этиш ва янада тако-
миллаштириш бўйича чора-тадбирлар ижро-
сини назарда тутувчи анжуман резолюцияси
қабул қилинди. Шу билан бирга парламент ва-
килларига ўзбек тилининг жамиятдаги нуфу-
зини янада ошириш ва лотин ёзувиге асослан-
ган алифбони такомиллаштириш юзасидан
амалий таклифлар пакети топширилди.

БАБДУЛҲОЛИКОВ

MUNOSABAT

КЕРАКЛИ ФАН ОРТИҚЧАЛИК ҚИЛМАЙДИ

Шахмат ҳақида гап кетганда унинг Осиё-
дан келиб чиқганини эслаймиз-у, қалбга иф-
тихор тўлади. Бундай ҳолат ота-боболаримиз
азалдан ақл гимнастикасига қатта эътибор қар-
ратгани, уни баркамол шахс тарбиясида муҳим
омил, деб билганидан далоят беради.

Шахмат ўйнаётган одам узок мулоҳаза қи-
лади. Ўйинчилар тугул, ҳатто четдаги кузатув-
чилар ҳам соатлаб доналарга термулиб, узок
ўйга чўмиб ўтириши мумкин. Ўша пайтда
улар юришнинг ўнлаб усулларини ҳаёлидан
ўтказди. Халқимиз ибораси билан айтганда
етти ўлчаб, бир кесади. Бу эса, инсон ақлини
чарқлаш, хотирасини чиниктириш баробари-
да уни сабр-тоқатли бўлиш, мушкул вазиятда
ҳам ўзини вазмин тутишга одатлантиради. Шу
боис болалигидан шахмат ўйнаган одам қайси
соҳани танламоқчи, юксак марраларни забт
этишга қийналмайди. Бунга дунё тамаддуни-
га тош қўйган аждодларимизнинг ҳаёти ёркин
мисолдир.

Президентимиз жорий йилнинг 9 август
куни имзолаган “Ўзбекистон Республикасида
шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини чина-
кам тарихий воқеа дейиш мумкин. Ушбу ҳуж-
жатга мувофиқ, энди республикамиздаги 150
та умумтаълим мактабида тажриба тариқасида
шахмат фан сифатида ўқитилади.

Шахмат мамлакатимиз узлуксиз таълим
тизимига фан сифатида киритилгани, машғу-

лотлар учун алоҳида дарс соатлари ажратил-
гани айни муддао. Бундай ёндашув ёшларни
илм-фанга қизиқтиришга ёрдам беради. Зеро,
кубалик моҳир гроссмейтер Рауль Қапабланка
шахмат ҳақида фикр юритиб бежиз: “Жисмоний
мукамаллик учун спорт қанчалик муҳим
бўлса, ақлий салохият учун шахмат шунчалик
муҳимдир. У инсонларга хос бўлган алоҳида
хусусиятларни ривожлантириш ҳамда ақлни
машқ қилдиришнинг қизиқарили ва қулай йў-
лидир”, — деб айтмаган.


Дарҳақиқат, шахмат болага қатта қувонч
бағишлаш билан бирга ақлий ривожланишига
ёрдам беради. У дунёқарашингизни кенгайти-
рибгина қолмай, тезкор фикрлаш ва мустақил
қарор қабул қилишга ўргатади.

Президент қарори асосида киритилган
ва ҳозирча биз учун янги тажриба ўз самара-
сини беришига шубҳа йўқ. Бироқ мактабда
шахмат фанини сифатли ўтиш учун малакали
кадрлар керак. Бизда эса, бундайлар етарли
эмас. Фикримча, Ўзбекистон давлат жисмоний
тарбия институтида шахмат факультети таш-
кил қилинса, масалага ечим топилган бўларди.
Шунингдек, хориздан мутахассисларни жалб
этиш, халқро даражада обу-эътибор қозонган
спортчиларимизнинг билим ва маҳоратидан му-
носиб фойдаланиш ҳам ижобий самара беради.

Амир ҲУСАИНОВ,
шахмат мураббийи



БИРАМ
МАЗАЛИКИ... 2



ИННОВАЦИОН
КЕЛАЖАК —
МИНГ ҚАДАМ ОЛДИНГА
ЮРМОҚ ДЕМАК! 3

BUGUNNING GAPI

АДАБ ДУНЁСИГА элтувчи йўл

Ривоят қилишларича, қадим за-
монларда бир ота ўз юрти ҳукмдо-
рининг саволларига жавоб топол-
май, мулзам бўлиб қолибди. Шунда
у ёшликда илм ўрганмай умрини бе-
самар ўтказиб юборганликда айблан-
иб, оғир жазога маҳкум қилинибди.
Бу хабарни эшитган уч ўғли шахан-
шо олдига арзидод қилиб келибди.
Отасига берилган саволларга ўзлари
жавоб беражагини, жавоб бера олма-
ган тақдирда, ҳар қандай жазо олин-
га ҳам тайёр эканини айтиб, имкон
беришни сўрабди.

Юрт эгалари кенгашиб, отаси учун
шунчалик қуйиб-ёнаётган фарзанд-
лар шаштини қайтаргиси келмай,
уларга учта савол билан юзланибди.
Ўғиллар ҳаммасига тўғри ва аниқ
жавоб бериб, барчани қойил қолди-
рибди.

Подшоҳ ўз фарзандларини шун-
чалик илму хунарли, одобли,
меҳр-оқибатли, мард ва жасур қилиб
тарбиялаган отани муносиб муко-
фотлабди. Аммо ўз фарзандини илм-
сиз, оми қилиб қўйган ўша отанинг
отасига қирқ дарра жазо беришни
амр қилибди.

Ривоятдан англашиладики, ота-
оналар ўз фарзандининг илми, ху-
нарли бўлиши учун ҳамиша жавоб-
гар. Бугунги кунда мамлакатимизда
ёш авлод тарбиясига қатта эъти-
бор қаратилмоқда. Халқимиз азал-
дан болажонлиги, оилапарварлиги
билан ажралиб турган. Боланинг

коринини тўқ, устини бут қилиш ўз
йўлига, лекин фарзандларимизни
эртдан ўзбекона одоб-ахлоқ меъ-
ёрлари асосида юксак маънавийли
қилиб воқта етказиш биз учун доимо
долзарб аҳамият касб этиб келган.
Бу масалага бефарқлик нафақат ай-
рим ота-оналар, балки бутун жамият
учун жуда қимматга тушибдини ҳа-
ётнинг ўзи бот-бот исботламоқда.

Умр — кўз очиб-юмганчалик
қисқа фурсат. Унинг ҳар они ганим-
мат. Келажак бутундан бошлангани
ва айни дамда нечоғлиқ самарали
фаолият кўрсатишимизга боғлиқ
эканини тушуниб етмаганимизга
жамиятнинг ичдан емираётган ижти-
мой муаммоларга ечим топишимиз
дарумон “Шунча ўқинганимиз етар,
менга шахар олиб берамизнинг?”
ёки “Ҳамма олим бўлиб кетавер-
са, подани ким боқали?” қабилда
фикр юритадиган юртдошларимиз
хали ҳам бор. Яхшилаб мулоҳаза
қилиб кўрилса истаган ишда, ҳатто
пода боқиб учун ҳам илм керак. Шу
ўринда Сукротнинг “Ўқиб-ўрган-
май туриб ҳам фойда ва зарарнинг
фарқи ета оламан, деган одамни
тенгак”, — деган ҳикмати гаши елга
тушади. Фарзандларимизга илму ху-
нар ўргатишдан тўхтамайлик. Илло,
бу — адаб дунёсига элтувчи энг
тўғри йўлидир.

Зояр ЗИЁДУЛЛАЕВ,
педагог

AKS-SADO

Муқаддас МУСАЕВА

Ота-боболаримиз азалдан меҳнатга тарбия воситаси, тенгсиз қадрият сифатида қараб келган. Фарзандлар меҳнат орқали ҳалолликка ўргатилган, касб-хунар эгаллашга рағбатлантирилган. Жуда кўп вақт хунар турлари асрлар силсиласида завол топмай, бугунги кунимизгача сақланиб келинганининг боиси ҳам шунда.

Рағбат қанот бағишлар

Хунар ортидан қанчалар инсонлар рўзгорини бутлаб, жамиятда ҳурмат ортиргани, юртини жаҳонга танитгани ҳам бор гап. Қўли гул инсон кераксиз нарсадек улоқтириб юборилган бир бўлак ёғочни ҳам қалб кўриб кўз нури ила гўзал санъат асарига айлантира олади. Бу осон эмас, албатта. Ўзига яраша истеъдод, алоҳида кунт ва матонат керак.

Президентимизнинг оқилона сиёсати натижасида биронта ҳам соҳа эътиборсиз қолаётгани йўқ. Мана масалан, 2017 йилнинг 17 ноябрь кунини давлатимиз раҳбари “Хунарандчиликни янада ривожлантириш ва хунарандчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонга имзо чекканди. Мазкур ҳужжат миллий хунарандчилик аниқталарини давом эттириб келаётган юртдошларимизга катта имкониятлар эшигини очди, десак муболағга бўлмас. Сабаби фармон кучга кирганидан буён ҳақ 24 минг нафар фуқаро хунарандчи сифатида рўйхатдан ўтди. Бу аввалги йилларга қараганда анча кўп.

Хунарандчиликни шу заминда рағбатлантириш мамлакатнинг иқтисодий рақобатчилик ҳам хизмат қилишини унутмаслик даркор. Илло, қўл меҳнати билан яратилган аjoyиб, ўзбекона руҳдаги буюмлар, биринчи навбатда, юртимизга келаётган хорижий меҳмонларнинг эътиборини тортгани аниқ. Бу, шубҳасизки, сайёҳлик тармоғини ривожга учун жуда муҳим омил. Демак, хунарандчиларни қўллаб-қувватлаш сиёсатини изчил давом эттириш, уларнинг янада самарали ижод қилишига шарафот яратиш аниқ мудола. Мана шунда халқнинг боқий маданий мероси ва тарихий аъёнлари тобора бойиб, аҳоли бандлиги таъминланади, айниқса, қам таъминланган оилалар қўшимча даромад манбаларига эга бўлади. Жамият фаровон яшаш учун шуларнинг ўзи ҳам катта аҳамиятга эга.

FAN OYLIGI

Ғуруримсан, онажоним тил

Гулзода ТҶХТАМИШОВА,
Самарқанд шаҳридаги
29- умумтаълим мактаби
услуб бирлашма раҳбари

1989 йилда ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши маънавий оламимизда туб бурилиш ясади. Эндликда биз ўз тилимизда бемалол сўзлашиб, фикр юрита оламиз.

Тилнинг сайқал топishi ва ривожланишида адабиётнинг ўрни бекиёс. Демак, мактабда бола ҳар икки фанни яхши ўзлаштириши лозим. Бу унинг кейинги камолоти учун муҳим.

Айни вақтда юртимиз умумтаълим мактабларида она тили ва адабиёт фанлари ойлigni давом этмоқда. Шу муносабат билан турли тадбирлар ташкил қилинмоқда. Масалан, 5-7- синф ўқувчилари ўртасида “Ким кўп шеър билади”, 8-10- синфлар ўртасида “Ким кўп ғазал ўқийди”, шунингдек, барча синфлар кесимида “Энг кўп китоб ўқиган ўқувчи” танловлари ўтказилди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кунга бағишлаб ўтказилган “Энг чиройли деворий газета” танлови ҳам эса қоларли бўлди.

Ўқувчиларимиз Самарқанд давлат университети илмий-амалий музей-лабораторияси, А.С.Пушкин номидаги кутубхона фаолияти билан танишиб, Ҳазрат Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳайкаллари зиярат қилишга ҳам улгурди. Бундан ташқари, режа асосида мунтазам тарзда очик дарслар ўтказилмоқда.

Мактабимизда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Болаларга она тилимизнинг гўзаллиги, жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос ўрин тутганини аниқ мисоллар орқали тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Рус тилида таълим олаётган ўқувчиларга давлат тилини мукамалроқ ўргатишга алоҳида эътибор қаратилади. “Ҳосил байрами”, “Табият ва иқлим”, “Е” ҳарфи каби мавзулардаги очик дарслар бу борада, айниқса, қўл келмоқда.

Фан ойлigni доирасида “Тил — миллат ғурури” деб номланган мусикий адабий-бадиий кеча ҳамда Тоғай Мурод таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан шoir ва ёзувчилар билан учрашувлар ҳам ташкил қилинди. Бундай маънавий-маърифий тадбирлар ёшларда Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, она тилимизга бўлган меҳр ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

ESHITDINGIZMI?

БИРАМ МАЗАЛИКИ...

Мўйноқ туманида “Орол баликларидан 99 хил таом” номли халқаро гастрономик фестивал бўлиб ўтди

Кумар БЕГНИЯЗОВА

Худуднинг сайёҳлик салоҳиятини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбирда ҳамюртларимиздан ташқари, Италия, Франция, Португалия, Жанубий Кореядан келган меҳмонлар қатнашди. Қорақалпоғистон Республикасининг турли бурчакларидан тақлиф қилинган моҳир ошпазлар дарё бағидан нақ 99 хилдаги таом тайёрлаб, дастурхонга



тортди.

— Фестивал ҳақида ижтимоий тармоқда ўқиб қолдим, — дейди италиялик сайёҳ Қонар Бёрн. — Оролни кўриш ва

мазали баликларидан тановул қилиш истаги мени саҳнатга чорлади. Кўплаб диққатга сазовор жойларни зиёрат қилдим, гастрономик фестивал таассурот-

SIZ NIMA DEYSIZ?

ТОПТАШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ!

Фахриддин ҲАЙИТОВ,
“Yoshlik” журнали бош муҳаррири

Тил — миллат ғурури, маънавий қиёфаси ва орзу-умидлари мужассам топган мулк. Унга муҳаббат қалбга она алласи орқали сингади. Инсоннинг маънавий қиёфаси мулоқот жараёнида намоён бўлишининг боиси ҳам шунда.

Тил халқнинг бирдәмчилиги ва тинчлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Жиддий синовлардан ўтган она тилимиз бугун алоҳида қадр-қимматига эга бўлиб, ўзда миллатимизнинг бағрикенглик ва яратувчанлик хислатларини чуқур ифода этиб келмоқда.

Мустақилликдан кейинги даврда юртимизда она тилимизни янада сайқал топтириш ва дунё миқёсида нуфузини оширишга қаратилган кўплаб илмий из-

лаш ва тадқиқотлар олиб боришмоқда. Афсуски, тилимизни асраб-авайлашга қаратилган ишлар фақат 21 октябрь арафасида авж оляпти. Таълим муассасалари, турли ташкилотларда мазкур сана муносабати билан кўплаб, тадбирлар ўтказилса-да, аммо бу саъй-ҳаракатлар мунтазам тусга эга эмас.

Фарзандимизга ғамхўрлик қилгандек она тилимизга ҳам эътибор кўрсатсак, айни муддао бўларди. Сўзни тўғри

қўллаш борасида камчиликларимиз бисёр. Оддий мисол келтираман. Аксариятимиз интернетдан фойдаланамиз. Онлайн нашрларнинг материаллари, қолаверса муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар афишаларида учраётган имловий ва услубий хатолар саводсизликнинг тарғиб этади, ҳоло.

Яна бир муаммо айрим ота-оналар бодасининг таълим-рус тилида олиб бориладиган мактаб ўқитишини ишайди. Аммо...

Яқинда дўстимнинг уйига меҳмонга бордим. Мени ўғли кутиб олди. Негадир унда ўзбек йигитларига хос белгиларни кўрмадим. Ўғли қорним очди, дея катталардан олдин дастурхонга қўл узатганига хайрон бўлувдим, бир маҳал отасининг сўзини бўлиб, гапириб кетса бўладими. Ўртоғим хижолат бўлиб,

HUQUQIY TARG'IVOT

Элдор НАВРҲУЗОВ

Ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши “Ёшлар келажаги — қонунга риоя қилишдан бошланади” шиори остида Жиззах вилоятида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Қонунни билиш шарт!



Дўстлик саноат ва хизмат кўрсатиш коллежиде тақлиф этилган учрашувда 200 нафардан ортик ўқувчи қатнашди. Мулоқот давомида ҳуқуқшунослар ёшларга онд миллий қонунчилигимиз, тегишли қарор ва фармонларнинг мазмун-моҳияти баътафсил тушунтирилди.

Шу билан бирга кенгаш мутахассислари “Наврўз шаҳарчасидаги маҳалла идорасида ташкил қилинган “Хуқуқий маслаҳатхона” бурчаги учун зарур адабиётларни бепул тақдим этди.

Тарғибот тадбири Шароф Рашидов туманидаги Машиний хизмат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежиде давом эттирилди. Йигит-қизлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

— Жуда кўп янги маълумотлар олдим, — дейди коллеж ўқувчиси Собиржон Қўшмуродов. — Қонунларни билиш шарт! Шундагина ҳаёт сўкмоқларида қоқилмаймиз.

Тадбирларда фаоллик кўрсатган ёшлар ҳуқуқий адабиётлар билан тақдирланди.

TASHABBUS

Зулфияр МАВЛОНОВА

Кўзгуда ўзни кўрмоқ бошқача

Бухоро давлат университетида Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан “Биз жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қаршимиз!” шиори остида тарғибот тадбири ташкил этилди.

Иштирокчиларга талабалар ҳаёти, жиноятчиликка етаклаётган омиллар ҳамда мушхир оқибатлар ҳақидаги сахна кўринишлари намойиш этилди.

— Бола тарбиясига атроф-муҳитнинг таъсири катта, — дейди филология факультети

ети етакчиси Собир Давлатов. — Унинг феъл-атворидаги нуқсон ҳамда иллатларни бартараф этишда кенг жамоатчиликнинг ҳам иштироки бўлиши керак. Бугунги тадбир орқали айнан шу фикрни тендошларимизга етакчилик ва юзига кўзгу туютмоқчи бўлдим.

БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Пойтахтимиздаги Ёшлар марказида “Тил — миллат кўзгуси” деб номланган маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда қатнашган талаба-ёшлар саволхонлигини синаб кўриш учун диққат эътибори бахсларига киришди. Шунингдек, давлат ва жамоат арбоблари, маданият ҳамда санъат соҳалари вакиллари иштирокида оммавий флешмоб, мавзуга доир кўргазма ва викторина ўйинлари ташкил қилинди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан Ёшлар иттифоқи ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида махсус танлов ҳамда #davlat_tili29 хештеги остида акция эълон қилди. Иккала лойиҳада юз нафардан ортик фойдаланувчи қатнашиб, хориждан ўзлаштирилган сўзларнинг ўзбекча муқобилни тақдим этди.

— Лойиҳада иштирок этиш асносида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” билан обдон та-



нишиб чиқдим, — дейди 1-ўрин соҳибни Илос Сафаров. — Она тилимиз нақадар бой, пурмаъно эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Эътиборсизлигимиз сабаб нутқимиз тобора ғариблашиб бораётгани бор гап. Тил меъёрларини қўпол равишда бузиб, хорижий сўзларни қорштириб гапирётган ёшларимиз бунга “муносиб хисса”ни қўшмоқда. Уларни асл қадриятларимизни ҳурмат қилишга қақирган бўлар эдим.



KUN MAVZUSI

ИННОВАЦИОН КЕЛАЖАК — МИНГ ҚАДАМ ОЛДИНГА ЮРМОҚ ДЕМАК!




Наргиза УМАРОВА

Инновация. Ушбу тушунча аллақачон “ёркин келажак”, “тезкор тараккиёт”, “оламшумул янгилик” каби замонавий инсон лексиконида кенг қўлланилувчи иборалар маънодошига айланиб улгурди. Шундай дейилмоққа ҳақли ҳам! Ахир, инновацион ривожланиш йўлини танлаган биронта мамлакат йўқки, бундан зиён кўрган бўлса. Аксинча, ҳар бири қисқа муддатда кўп қарра юксалиб, дунёдаги мавқеини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Жанубий Корея, Хитой, Исроил, Эстония, Беларусь илм-фанидаги феноменал ўзгаришлар бунга ёркин мисолдир.



Ш.ЭРМИНОВ

Мана энди Ўзбекистон ҳам инновацион келажак сари бормоқда. Ҳа-ха, айнан бормоқда. Шаҳдам ва ишончли қадамлар билан. Айтаётганимизни сира муболагага йўйманг. Сабаби охириги бир йил мобайнида биз наинки ўзимиз, балки бутун жаҳон ҳамжамиятига инновацион келажак борасидаги режа-мақсадларимиз қанчалик жиддий эканини исботлай олдик. Қароримиз қатъий, бу — стратегик вазифа ва уни охиригача етказишимиз шарт! Мамлакатимиз тарихида биринчи бор Инновацион ривожланиш вазирига ташкил қилинган, жорий йилда мазкур тузилма энг ўткир ақл соҳиблари (дарвоқе, улар орасида дунёнинг турли нуқталарида фаолият кўрсатаётган ва айти дамда “Вуук келажак” экспертлар гуруҳига бирлашган ватандошларимиз ҳам оз эмас) Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиб, кенг жамоатчилик муҳокамага хавола этгани шунчаки ҳавоий гап эмас. Бу чунонам амалий ҳаракат ва у эртани-кечми, албатта, ўз мевасини беради.



Инновацион-сармовий форум ҳамда Робототехника мусобақасига хоридан кўлаб иштирокчилар — интеллектуал маҳсулотлар экспорти билан шуғулланувчи йирик компаниялардан тортиб, соҳадаги фаоли-

хам харидорига эга. Илло, исталган жамиятда илм-фан тараккий топиши, олимларнинг меҳнати рўйга чиқиши, билим кадрият сифатида қабул қилиниб, интеллектуал салоҳият юқори кийматга эга бўлиши учун ҳар иккала босқич ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ахир, не-не машаққат эвазига қилинган кашфиёт ёки ихтиро инсониятга қанчалик наф келтирмасин, уни кенг истеъмолга киритишга тайёр сармовдор топилмагунча қозғалгина қолиб кетиши ва лаборатория деворларидан чиқолмаслиги тайин. Яшириб нима қилдик, охириги вақт-

ОХИРГИ БИР ЙИЛ МОБАЙНИДА БИЗ НАИНКИ ЎЗИМИЗ, БАЛКИ БУТУН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИГА ИННОВАЦИОН КЕЛАЖАК БОРАСИДАГИ РЕЖА- МАҚСАДЛАРИМИЗ ҚАНЧАЛИК ЖИДДИЙ ЭКАНИНИ ИСБОТЛАЙ ОЛДИК



кўп нарса ижобий томонга ўзгаришига умид уйғонди. Ҳарқалай, айти дамда фақат интуитив тарзда фикр юритаётганимиз йўқ. Юқоридаги мулоҳазага исбот бўлгунчи фактлар ҳам талайгина. Айтилик, бугуннинг ўзида иш бошлаган Инновацион-сармовий форум доирасидаги олти шўбадан сўнгиси илгор ишланма ва технологиялар трансфери ҳамда тижоратлаштириш масаласига бағишланган, табиийки, тасодиф эмас.

Яшириб нима қилдик, йиллар давомида айнан шу йўналишда биронта ҳам сезиларли иш қилинмагани боис, санокли тадқиқотларни ҳисобга олганда, Ўзбекистон илм-фани ютуқлари деярли ҳеч бир давлатга миллий бренд остидаги тижорат маҳсулоти сифатида кириб бормас эди. Энди ҳаттолар устида ишлаймиз. Ишлаганда ҳам жуда қаттиқ ишлаймиз. Ҳамкорлар билан мулоқотнинг янги — юзма-юз форматига ўтиб, шу чоккача ўз ҳолга ташлаб қўйилган масалалар юзасидан жаҳондаги энг кўзга кўринган хусусида батафсил мазлумот берди. Вазир ўринбосари Азимжон Назаров қайд этганидек, Инновацион ғоялар ҳафталиги жамиятимиз аъзолари, айниқса, ёш авлод вакилларида инновацион фикрлаш кўникмасини шакллантириш, кейинчалик эса, тарбиялашга хизмат қилмоғи даркор. Зотан, плагиатдан холи, том маънодаги, креатив ғоя ва ташаббусларсиз инновацион тараккиёт йўлида узокка етиб бўлмайди. Бизда салоҳият кучли — ёшларимиз ниҳоятда изланувчан, билимга ташна, таъ-



бир жонз бўлса, ҳар иккала сифат қон-қонимизга генетик асосда сингиб кетган. Мана шу бебаҳо ресурсни оқилона ташкил қила олиш ва тўғри ўзганга йўналтириш керак, ҳоло. Қандай қилиб деган саволга Инновацион-сармовий форум иштирокчилари биргаликда жавоб излаб кўради. 9 ёшдан 25 ёшгача

давлагиси ҳамда хризантеманинг ген инженерлигига асосланган навларини яратиш бўйича истиқболли тадқиқотлар олиб боришмоқда. Марказ асосчиси ва раҳбари, академик Иброҳим Абдурахмонов дунёда биринчи бўлиб “ген нокаут” (“генларни ўчириб қўйиш”) технологиясини яратган. Халқаро патентлаш тизими асосида дунёнинг 152 (!) мамлакатида патентланган “ген нокаут” ёрдамида ёш олим гўзанинг эртапишар, касалликларга чидамли, узун толали универсал — “Порлок” навини яратишга муваффақ бўлди. Янги нав юртимиз бўйлаб жами 60 минг гектар майдонда етиштирилмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, офталь-

ИЛГОР ИШЛАНМАЛАРНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ МАСАЛАСИДАГИ ОҚСОҚЛИКЛАР БОИС, САНОҚЛИ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛМАГАНДА, ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАНИ ЮТУҚЛАРИ ДЕЯРЛИ ҲЕЧ БИР ДАВЛАТГА МИЛЛИЙ БРЕНД ОСТИДАГИ ТИЖОРАТ МАҲСУЛОТИ СИФАТИДА КИРИБ БОРМАСДИ



ятни мувофиқлаштирувчи давлат органлари, сармовий салоҳиятга эга банк-молия ташкилотлари, илмий муассаса, технопарк, таълим марказлари инновацион ташаббуслари орқали бизнес оламига энди-энди кириб келаётган стартаперларга таклиф қилинган.

да жуда кўп тадқиқотчи олимларимиз, аниқроғи, уларнинг меҳнат маҳсули худди шу муаммо сабаб сояда қолиб кетаётгани. Аксарият тадқиқотларимиз эса, ўз юртида “дунёга келган” инновацияларга ишонч билдириб, бир сўмини тикишдан кўра, фалон пулга четдан

ЎЗБЕКИСТОННИ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ИННОВАЦИОН “ЮРАГИ”ГА АЙЛАНТИРИШ ИСТАГИДА КАТТА ҚАДАМНИ ТАШЛАДИК. ТОШКЕНТДА “INNOWEEK” — ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ҲАФТАЛИГИГА СТАРТ БЕРИЛДИ

лари ҳамда бизнес доираларни ягона манзилга бирлаштирувчи макон вазифасини бажариши кутилмоқда. Тафсилотларга ўтишдан аввал қуйидаги муҳим жиҳатга эътиборингизни қаратсак: айти воқеийлик қўламини биргина мамлакат географияси билан чекланаётгани йўқ. Ҳафталик халқаро мақомага эга. Унинг дастуридан ўрин олган Инновацион ярмар-

Масалан, бугун “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуаси худудида очилган Инновацион ярмаркада 50 дан зиёд хоржий экспонент илмий-инновацион лойиҳалари билан катнашмоқда. Қайд этиш керак, намойиш этилаётган аксарият ишланма ва ечимлар тайёр тижорат маҳсулоти даражасига етказилган. Яъни улар ҳам молиявий асоси,



тайёр, синалган ва муайян натижа кўрсатиб келаётган технологияни сотиб олишни афзал биларди. Таассуфки, бундай тоифа ҳамон мавжуд. “INNOWEEK” улардаги бағ-тол стереотипларни ёриб чиқишга ёрдам берса, не ажаб. Очиги, ҳафталикнинг мазмун-мундарижаси билан чуқурроқ танишиш асносида юртимизда мазкур масалаларда ҳали

ИННОВАЦИОН ЯРМАРКАДА НАМОЙИШ ЭТИЛАЁТГАН АКСАРИЯТ ИШЛАНМА ВА ЕЧИМЛАР ТАЙЁР ТИЖОРАТ МАҲСУЛОТИ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИЛГАН

йингит-қизларни бир даврага жамлайдиган Робототехника бўйича халқаро чемпионат эса, мазкур масала юзасидан таклиф қилинаётган тайёр ечимлардан биридир. Инновацион ривожланиш вазириги бошқарма бошлиғи Олимжон Тўйчиев (маълумот учун, Ўзбек тилида сўзлашувчи илк роботни айнан шу йингит яратган)нинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳада 140 дан зиёд робототехник иштирок этиш истагини билдирган. Шундан тенг ярни чет эл фуқаролари. Мазкур мусобақа ука-сингилларимизни техник соҳаларга кизиштиришнинг


молог Зулфия Максудова раҳбарлик қилаётган DMC клиникасида эса, журналистлар кўз ўнгига ўсимлик чангларига бўладиган аллергияни назорат қилиш имконини берувчи ўта аҳамиятли инновацион технология — “гулчанги копконтари”нинг тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур ишланма Инновацион ривожланиш вазириги ҳузуридаги Илгор технологиялар марказида ҳам қўлланилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, келгусида шу йўл билан шахримизда аллергия вазиятини назорат қилиш ҳамда гулчангига бўладиган аллергия мавсумини олдиндан башоратлаш имкони туғилади.

(Инновацион ғоялар ҳафталигига бағишланган материаллар билан газетамизнинг келгуси сонларида ҳам танишишингиз мумкин).

YOSHLIK ILHOMI

Ritaning vafotidan so'ng mana, bir haftadirki, Karter tunu kun deraza qarshisidagi oromkursida pardalarni yopib, qorong'ulik qa'riga g'arq bo'lgan ko'yi o'tiradi. Na televizor ko'radi, na birovga noma bitadi, na birov bilan suhbatlashadi.

Karter tashqi olamdan uzilib qolganek, go'yo. Uning uchun vaqt mana shu pardalar ortida, cheksiz savollar og'ushida kechardi. To'g'ri, ba'zan o'tmishni eslab, shirin xayollarga berilar, ammo bu holat ko'pga cho'zilmasdi. Sarkash xayollari uni yana jar yoqasiga yetaklab kelardi. Karter tushkunlikka tushmaslikka harchand urinmasin, udasidan chiqolmasdi. Umidsizlik uni holdan toydirgan kezlarda qalbi barchasiga qo'l siltab, kampingning ortidan jo'navorishni buyurardi. Biroq shuncha mol-davlatini tashlab ketishga ko'zi qiymas, ustiga-ustak, qanday qilib bu yorug' olamni osonlikcha tark etish mumkinligiga aqli bovar qilmasdi.



Jeyn ORVIS

nuqta va yoki dengizdan bir tomchi kabi biron bir qiymatga ega emas. Karter negadir Zulqarnayning ochiq ketgan qo'larida haqida o'yladi. Shu onda hayoti davomida bola-chaqa, yor-do'st ortirish, savob ishlar qilish o'rni, nuqul misli ko'rilmagan boylik va hokimiyatga ega bo'lishga intilgani, shularni yashashning yagona mazmuni, deya bilganini angladi.

Oltmish besh yil... Shu haqiqatni ang-

lash uchun oltmish besh yil sarflabdi-yal! Nahotki buning uchun o'ttiz yil bir yostiqa bosh qo'yan umr yo'ldoshi bu dunyoni tark etishi joiz bo'lgan bo'lsa?.. Tirikligida o'ttiz daqiqa vaqtini qizg'ongan er ayolini qo'msar ekan, ko'zlarida yosh qalqidi. Karter sekin oh tortib qo'ydi va "Kun kelib hammamiz ham o'lamiy va biz boradigan joy mutlaqo derazasiz", — shivirladi o'ziga-o'zi.

Ingliz tilidan Gulnoza AMIROVA tarjimasini.

QADRIYAT

Oppoq orzularga esh niyat

Diilshod O'NAROV, o'qituvchi

Kechagidek yodimda, hozirgidek kuz adoqlab, qish tobora yaqinlashib kelayotgan mahal birinchi qor yog'di. Shu kuni tongda qishloqning olis mahallasida yashaydigan momom (amakimning turmush o'rtog'i) keldi. U kishi onam bilan biroz gurgunlashib o'tirgach, "Uyda bir talay ishim bor", — deya birdan "ketaman"ga tushdi.

— Biz yordam beramiz, — dedik.

— Sizlarning qo'lingizdan ish kelsa, men shunday yumasdim, — dedi u o'kinib. Ayni paytda momom negadir qo'lini cho'ntagidan chiqarib, nimagadir hozirlik ko'rar va buni sezdimaslikka urinardi. Biz esa, hayron bo'lib qarab turardik. Shu payt momom bir parcha qog'ozni onamning yoniga tashladi-da, eshikni yopib qochdi.

Onam qog'ozni ochib o'qiy boshladi. Keyin tashqariga chiqib qaradi. Bu paytda momom ancha olislab qolgandi. U kishi Zarfulla muallimning chakalagiga yetganida birdan to'xtab qo'lini ko'tardi.

Onam kulib, "kelavering", degandek imladi.

Momom ortiga qaytdi. Keyin onam bilan dahlizga kirdi. Oradan yarim

soatcha vaqt o'tib, onam bir tugun narsa ko'tarib chiqdi-da, momomga berdi. Buning sababini ancha paytgacha tushunolmay yurdim.

Kunlarning birida tochkadan o'sha qog'ozni topib oldim va unda yozilganlarni o'qiy boshladim:

"Qorxat Assalomu alaykum, ovsin! Birinchi qor muborak bo'lsin! Qor to'kin-sochinlik, rizq-ro'z keltiradi. Ilohim, rizqimiz butun bo'lsin! Ko'nglimiz ham beg'uborlikka burkansin. Uyingiz qut-barakaga to'lsin.

Agar meni katta yo'lga chiqib ikki yuz metr yurgunimcha tutib olsangiz, sizga bir marta gashtak qilib beraman. Yitqazsangiz, bir choponga yetadigan mato, astarlik, paxta va ip berasiz. Hurmat bilan Zarripak".

Xatni o'qib vujudim titrab ketdi. Momomning oilasi katta, ro'zg'ori ham shunga yarasha edi. Shu bois o'zi mato so'rashga istihola qilib, qorxat yozibdi, deb o'yladim va xalqimizning qishda zerikkan va qorxat orqali gap-gashtaklar uyushtirgan. Bunday yig'inlar esa, matal, ertak, doston aytish va kitobxonlikka aylabidib ketgan. Bugungi kunda ushbu udumga ko'p e'tibor berilmaydi.


Albatta, qorxat (ayrim hududlardagi parpi deb ham ataladi) yozish an'anasini hali ham bor. Ba'zilar uni internet orqali jo'natishni afzal bilyapti. Ammo qog'ozning o'rni bo'lakcha. Qorxatni qog'ozsiz tasavvur etish mushkul. Nima bo'lganda ham qorxat xalqimizning ming yillik udumi sifatida qadrlanayotgani muhim.

KITOB JAVONINGIZGA

Qayta-qayta o'qishga loyiq

Maftuna VALIYEVA

Mahallamizda ko'pchilik havas qiladigan bir qiz bo'lardi. Shunday hurliqo ediki, oshiqilarini sanab adog'iga yetolmasdiki. Kollejni tamomlagach, u o'zi ko'ngil qo'ygan yigitga turmushga chiqdi. Bir yildan keyin farzand ko'rishdi. Yaqin-yaqingacha ularni baxtiyor oila, deb yurardiki. Qizning onasi buvimga kelib hasrat qilmaguncha bironta ham gapdan xabarimiz yo'q edi.



Adib Qozog'istondagi qamoqxonadan yozgan maktubida shuncha savdolarini boshiga solgani uchun rafiqasi oldida aybdor ekanini bot-bot takrorlaydi. O'sha paytlarda Said Zunnunova "xalq dushmanining xotini" sifatida ta'qib qilingani, juda og'ir sharoitda kun kechirganiga qaramay, hayotidan nolimay, maktublari orqali jufti halolining ko'nglini ko'tarishga, turmushdagi ikir-chikir gaplar bilan uni biroz chalg'itib, umid bag'ishlashga harakat qilgan.

Kitobdan o'rin olgan nomalarni o'qib, chin muhabbat va sadoqatning ikki ulug' timsoli bugun ko'plarga ibrat ko'rsata olishiga amin bo'ldik. Har qanday vaziyatda bir-biriga suyanib, yelka tutib yashagan boboyu buvilarimizdan o'rnak olsak, arzimasa sabablar bilan barbod bo'layotgan oilalar soni kamayarmidi, deya o'ylab qoldim.

"Said va Said. Muhabbat va sadoqat maktublari" har bir xonadonning kitob javonidan munosib joy egallashga, qayta-qayta o'qib, uqilishga loyiq asardir. Tengdoshlarimiz uchun u o'ziga xos hayot maktabi, darsxona vazifasini o'taydi, degan umiddamiz.

Farida tanlab-tanlab tozisasi uchragan ekan. Kelinlik uyida o'tirsa o'poq, tursa so'poqmish. Oiladagi kelishmovchilik va kam-ko'stidan bezib, ajrashmanga tushib qolibdi. Buvim qo'shniga yetishmovchilik har bir oilada bo'lib turishi, sabr-qanoat qilib yashagan ayol kam bo'lmasligi, u nafaqat o'zi, balki norasida go'dagini ham o'yashli kerakligini tushuntirdi. Nazarimda, buvimning gaplari havoga uchdi. Chunki oradan bir hafta o'tar-o'tmas, Farida ota uyiga qaytib kelganini eshitdik.

Ochig'i, o'sha voqeadan keyin sevgi-mu-

habbatga ishonmay qo'ydim. Shunday kunlarning birida qo'limga "Said va Said. Muhabbat va sadoqat maktublari" to'plami tushdi-yu, fikrim butkul o'zgardi.

Kitob qahramonlari O'zbekiston xalq yozuvchisi Said Ahmad hamda uning rafiqasi, shoiri Said Zunnunova. Sobiq tuzum davrida minglab begunoh yurtdoshlarimiz qatori Said Ahmad ham qatag'onga uchradi. Sinovli yillar silsilasida ikki ijodkorning bir-biriga bo'lgan sadoqati yuqoridagi to'plamga kiritilgan o'zaro yozishmalarida yaqqol o'z ifodasini topgan.

O'QING, BU QIZIQ!



X asrda yashagan fors davlatining buyuk vaziri Abdul Qosim kutubxonasini doimo o'zi bilan olib yurgan. U biron yerga otlansa, 117 ming kitob to'rt yuz tuyaga ortilardi. Qizig'i, kitoblar har safar alifbo tartibida joylashtirilgan.

Samolyotlarga Toj Mahal ustidan uchib o'tish taqiqlangan.



Sakkizyoqning ko'z qorachig'i to'rtburchak shaklda.



Mashhur basketbolchi Maykl Jordan kollejdagi o'qib yurgan kezlari bo'yi pastligi uchun basketbol jamoasiga olinmagan.



MULOHAZA UCHUN MAVZU

Shoshgan qiz...

Zebo MURODOVA

Bugun siz uchun ajoyib kun. Onalik baxtiga muayassar bo'ldingiz. Shiringina qizalozingiz bor. Kelajagini tasavvur qilib, o'zingizcha rejalar quryapsiz. Avvalo, uni oppoq kelinlik libosida ko'radingiz, to'g'rimi? Bu tabiiy. Axir, har kim farzandiga baxt tilaydi. Endi qizigingizning to'yini tezroq ko'rish orzusi bilan yashay boshladingiz.

Qarang, bir zumda qizchangiz maktab yoshiga yetib qolibdi. Ovsiningiz bolasini maktabga tayyorlov kursiga beribdi. Chet tilini ham o'rgatarmish. Siz bunaqa narsalarga ortiqcha pul sarflaydiganlardan emassiz. Til bilmasa nima, osmon uzilib yerga tusharmidi? Yaxshisi, siz uni hozirdan qo'lini kelinlikka tayyorlang, uy yumushlariga jalb qiling.

Mana, bugun farzandingiz o'n yoshga kirdi. Momosi to'g'ri aytdi: yetti yoshdan yig'sang — yetadi, olti yoshdan yig'sang — ortadi. Attang, uch yilga kechikibsi! Hechqisi yo'q. Tezroq harakatingizni qilsangiz, ulgurasi. Turmush o'rtog'ingizning gapiga quloq solmang. Erkak kishi bu qanchalik muhimligini qaydan bilsin?!

Anov qo'shningizning qilgan ishini qarang. Bolasiga bir quti kitob sovg'a qilibdi. E, uning o'miga bir parcha gazmol olib qo'ysang-ku, ertaga to'yda kuningga yaraydi. Kitobdan nima foyda? Qiz bola o'qib olim bo'larmidi? Axir, u birovning hasmi bo'lsa, tezroq egasiga topshirib, qitilish kerak!

Ana-mana deguncha 17 yil ham o'tibdi. Qizining eng ochilgan payti. So'rab keluvchilar talaygina. Hozir uzatmasangiz, qachon uzatasiz? Atrofingizdagi "bilag'on"larga quloq solmang! Qizigingiz ertaroq kelin bo'lishini ko'rolmayapti ular. Opangizning gapini qarang: "Hali bola, o'qisin, oliy ma'lumotli bo'lsin!" emish. Siz ham kelinlik uyingizda 17 ga to'lganingiz yodidan ko'tarilibdi chog'i. Nega

o'shanda hech biri bu hali yosh, demadi?! Mana, siz, oliygohda o'qimangiz ham, yuribsi bir oilaning bekasi bo'lib. Qizigingiz ham eplab ketadi.

Qo'shningizning qizi o'qiyman, deb chet elga ketib qoldi. Siz unga o'xshab qolishni istamaysi-ku, axir. Ayol kishining baxti oilada, o'qish-ishda emas! Buni o'zicha zamonaviylar qaydanam tushunin?..

Odamlarning gapiga kirib xato qildingiz. Mana endi farzandingiz 19 ga chiqdi, sovcilarning ham cho'g'i kamaydi. Qizigingiz baribir universitetga kirolmadi. Afsus, o'shanda hech kim quloq solmay uzatib yuborsangiz bo'lar ekan. Ketida singlisi bor. Hade-may, uni ham so'ray boshlashedi.

Dugonangiz yaqinda qiz chiqardi. Uning uchun xursandsiz-u, lekin ichingiz zil ketyapti. Har safar to'y daragini eshitganingizda oh tortib qolasiz. Atrofdakilarga ham buni sezdirib qo'yyapsiz. Ular sizni ichi qora, deb o'ylishi tabiiy. Rostdan ham shunday emasmis, Nega mening qizim emas, uning boshqalardan qayeri kam, qabilidagi savollar ichingizni kemirayotgani ayon-ku. Bo'ldi, bolaning ko'ngliga shuncha qaraganingiz yetar. Bu yildan qolsa, kech bo'ladi.

Nihoyat, niyatingizga yetdingiz. To'y to'ydek bo'lsin-da endi, axir, shuncha kutdingiz, qancha sarpo yig'dingiz. Boringizni soching, hammama ko'rib qo'ysin nimaga qodirligingizni! Qizigingizning ko'z yoshiga ahamiyat

bermang, bu shunchaki erkalik. O'tib ketadi. Kuyov bo'lmish unchalik ham yomon emas. To'g'ri, biroz xunukroq. O'g'il bola chiroyli bo'lishi shart emas. Cho'ntagi baquvvat bo'lsa, kifoyal!

"O'g'li bor o'n yil och qoladi, qizi bor qiziq yil", deb bejiz aytishmagan ekan. Mana, hamuzgacha qarzlaringizdan qutulolmayapsiz. Keyingi farzandazingizning to'yiga ham pul topish kerak. "Qiz berib qutulmaysan, tutilasan", deganlari rost ekan. Haliyam sovg'a-salom tashvishidasiz. Nima ham qilardingiz? Qizigingiz borgan joyida tinch yashashini istasangiz, quldar o'zini moylab turasiz-da endi...

Afsus, bo'lmadi. Qizigingiz xiyonatkor erga chidolmay, oxiri ajrashdi. Mana, hozir bir bolasi bilan sizning uyingizda. Xudo bergan kuni janjal. Hamma faqat sizni ayblaydi. Qizigingizning baxtini tezroq ko'rishni istaganingiz gunohmi? Siz ham boshqa onalar kabi uning kelin bo'lishini xohladingiz, xolos...

Shu paytda kamay-surnayning ovozi ni qarang, xuddi ustingizdan kulayotgandek. Aytgancha, qo'shni qizning to'y-ku bugun. 26 yoshida ham tuzuk joydan chiqibdi. Hammaning havasini keldi. Nega burcha to'y qilishga oshidingiz o'zi? Haqiqatdan ham shoshgan qiz erga yelchims ekan!

Ha, mayli, qizigingiz endigina 22 ga kirdi, nasib bo'lsa, yana baxti ochiladi. Faqat bu safar o'ylab ish tuting, shoshilmang!

BILASIZMI?



Ozodlikni cheklash jazosi bir oydan besh yilgacha muddatga, voyaga yetmaganlarga esa, olti oydan ikki yilgacha tayinlanishi mumkin. Ozodlikni cheklash jazosi tayinlanganda mahkumning yashash joyini tark etishi butunlay taqiqlanadi yoki sutkaning muayyan vaqtida uydan chiqishi cheklanadi.


(Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali).

Ayrim kitobsevar insonlar bibliokleptomaniya kasalligiga duchor bo'ladi. Ular bir umr kitob to'plash bilan ovora. Ushbu xastalikni boshidan o'tkazgan mashhur shaxslardan biri Steven Blumbergdur. Blumberg dunyoning turli burchaklaridagi 268 kutubxonadan 23 mingdan ortiq noyob kitobni o'g'irlagan. Uning ana shu to'plami 20 million dollarga baholangan.



PSIXOLOG MASLAHATI

— Uch yil mobaynida imtihondan yiqilib, nihoyat, universitetga o'qishga kirdim. Kurs rahbarim bilan yoshimiz teng. Negadir uning darsida asabiylashaman. Jahlim chiqadi. Bergan topshirig'ini bajargim kelmaydi. Yaqinda o'qituvchim bilan tortishib qoldik. Maslahat bering, bunday vaziyatda qanday yo'l tutay?



Madina G'ULOMOVA Buxoro shahri

Savolga psixolog Feruza TOLIPOVA javob beradi:

— Ustozingiz bilan yoshingiz tengligi sabab uning darsini jiddiy qabul qilolmayotgandirsiz ehtimol. Bu tabiiy holat. Ammo uning nazariy bilimi, tajribasi siznikidan ancha yuqori ekanini tan olishga to'g'ri keladi. Bilganlarni so'rab o'rganish zarurligini tushunishga harakat qiling. Bunday vaziyatda, avvalo, o'zingizni qo'lga olib, idora qilishingiz kerak. Stulga o'tirib, ikkala qo'lni ikki-uch marotaba mushtga bukib-oching.

Mushtingizda xuddi biron og'ir yuk ko'targandek qo'lni yelka uzra ko'taring. Ushbu mashqni chuqur nafas olgan holda ikki-uch marta takrorlash kerak. Shunda asablaringiz joyiga tushib, o'qituvchingizga munosabat iliqlashadi. Istalgan kishini, u sizdan kattami yoki kichikligidan qat'i nazar, inson sifatida birlashtirib qiling. Shunda yuqoridagi kabi muammolarga duch kelmaysiz.

MUASSIS O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI MARKAZIY KENGASHI Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan. Bosh muharrir Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIR HAY'ATI Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich Navbatchi Nozima Miyassarova

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32. Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks) E-mail: yoshlarovozi@umail.uz. Indekslar: 203, 3203 Bahosi kelishilgan narxda. Buyurtma G-1036 Adadi — 11583. Boshiga topshirish vaqti — 21.00 Topshirishi — 01.58 O'ZA yakuni — 23.35